

Наҳравон жанги



15:09 / 23 декабрь 863

Хорижийлар (хижрий 38, милодий 658 йил)

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳунинг аскарлари ичидан кейинчалик хорижийлар (хавориж) деб номланган алоҳида гурӯҳ ажралиб чиқди. Аслида «хорижий» сўзи «хуруж», яъни «қарши чиқиш» сўзидан олинган бўлиб, улар ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга қарши чиққанлари учун шу ном билан аталган эдилар. Улар Алий ҳакамликни (Аллоҳнинг ҳукми ўрнига банданинг ҳакамлигини) қабул қилгани учун у зотни кофир бўлди деб фатво чиқаришди. Уларга ҳазрати Алийнинг ҳакамликни қабул қилганлари ёқмаган эди. Аслида ҳазрати Алий розияллоҳу анҳуни ҳакамликни қабул қилишга хорижийларнинг ўzlари мажбурлашган эди. Энди эса Муовияга қарши урушга қайтишни талаб қила бошлишди. Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу уларнинг талабини қабул қилмадилар.

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу ҳакамлик ишларида хиёнат бўлганини эълон қилиб, катта лашкар билан Шом томон юрдилар. Аммо у киши йўлда кетаётганларида, орқадан хунук ва ўта ташвишли хабар келди.

Хорижийлар пайтни ғанимат билиб, ер юзидағи энг катта фасод ишларга қўл уришганди. Улар Аллоҳ ҳаром қилган ишларни ўzlари учун ҳалол ҳисоблаб, мусулмонларнинг қонларини ноҳақ тўкиш, йўлтўсарлик қилишга қўл уришаётган эди. Улар ўлдирган кишилар ичидаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Хаббоб ибн Арат

розияллоҳу анҳумо ва у кишининг ҳомиладор аёли ҳам бор эди.

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу ортга қайтишга мажбур бўлдилар. Бориб уларга ваъз-насиҳат қилдилар ва огоҳлантиридилар. Аммо хорижийларга бу нарсалар таъсир қилмади. Улар сулҳни истамай, бир-бирларини жангга ҳозирлик кўришга тарғиб қила бошлишди.

Хорижийлар биринчи бўлиб уруш бошлишди. Урушда уларнинг деярли барчалари қирилиб битди. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг одамларидан етти киши шаҳид бўлди, холос.

Хорижийлардан жуда камчилик одам қутулиб қолди. Ушбу жангнинг натижалари жуда ҳам хатарли бўлди. Ўлмай қолган оз сонли хорижийлар ҳар тарафга тарқалиб кетишли: улардан иккитаси Умонга, иккитаси Кирмонга, иккитаси Сижистонга, иккитаси Арабистон яриморолига ва биттаси Яманга қочиб кетди. Улар борган жойларида ўз жамоаларини туза бошлишди.

Мисрдаги қўзғалон

Юқорида бўлиб ўтган ишлар Шом аҳлига шижоат бағишлади. Улар байъат қилмаслиқда яна ҳам бардавом бўлдилар ва ўз ишларини кенгайтиридилар. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Миср томон юрди ва у ерни эгаллаб олди. Ҳижрий 38, милодий 658 йилдан бошлаб ўша ерда ўз ҳукмини ўрнатди. Шу тариқа Муовиянинг ҳукмронлиги кенгая бошлиди. Муовия ибн Абу Суфён Мадинаи мунаварани, Маккани, Яманни ҳам эгаллаб олди. Лекин ҳазрати Алий розияллоҳу анхунинг аскарлари у жойларни қайтариб олишди. Шу орада ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу ўлдирилдилар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартағи 03-07/1733-рақамли хulosаси асосида тайёрланди.